



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 26 ноябр, жума № 168 (815)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2000 йил 9 январ — Президент сайловлари куни. Аввал хабар берганимиздек, «Фидокорлар», «Адолат», «Ватан тараққиёти» партиялари курултойларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сессияларида бўлажак сайловларда Президентликка Ислон Каримов номзоди кўрсатилган эди. Марказий сайлов комиссиясидан олинган хабарларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бўлажак сайловларда Фидокорлар миллий-демократик партияси номзоди сифатида иштирок этишга ўз розилигини билдирган. Шунингдек, Ислон Каримов Қора-

қалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, «Адолат» ва «Ватан тараққиёти» партиялари курултойлари қатнашчиларига ўз номзодини Президентликка кўрсатганликлари учун самимий миннатдорлик ихтор этган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз курултойида мазкур партия биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов номзодини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига кўрсатган эди. Абдулҳафиз Жалолов бўлажак сайловларда Халқ демократик партияси номзоди сифатида иштирок этишга розилик берган. 24 ноябр куни Марказий сайлов комиссиясининг нав-

батдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси Н. Комилов бошқарди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси томонидан кўрсатилган Ислон Абдуғаниевич Каримов ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING КАРОРИ

Ислон Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш юзасидан Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Фидокорлар миллий-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзоди овозга қўйилишига розилик аризасига кўра «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

Марказий сайлов комиссияси

КАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси томонидан кўрсатилган **Ислон Абдуғаниевич Каримов** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси

Н. КОМИЛОВ.

Тошкент, 1999 йил 24 ноябр.

Шунингдек, мажлисида кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи айрим округ сайлов комиссиялари таркибларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловида тайёргарлик кўриш юзасидан Тошкент шаҳридаги 20-Шайхонтоҳур ва Наманган вилоятидаги 85-Тўрақўрғон округ сайлов комиссия-

лари раисларининг ҳисоботлари ҳам тингланди. Округ сайлов комиссиялари зиммасига сайловолди ташвиқоти янада уюшқоқлик билан ўтказиш, номзодлар билан учрашувларнинг адолатли, тенг ва демократик тамойиллар асосида ўтказилиши учун шарт-шароит яратиш, сайлов уштаклари фаолиятини янада жонлантириш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловларига тайёргарлик кўриш юзасидан Ўзбекистон Почта ва

телекоммуникациялар агентлигининг ахбороти тингланди.

Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг овоз бериш натижалари тўғрисидаги баёнларини жойларда қабул қилиб олишни уюштириш тўғрисидаги ахборот тингланди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ваколатлари доирасига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Сиз Жаноби олийларига Султон Жалолиддин Мангуберди ва «Алпомиш» эпосига бағишланган танта-наларда иштирок этар эканман, шууримни қамраб олган хайрат туйғуларини ихтор этиш учун чўқур ҳурмат ва эҳтиром билан мурожаат этмоқдаман. Менда ушбу тadbирларнинг ташкил этилиши буюк бир таассурот қолдирди. Хусусан, Сизнинг раҳбарлигинизда мустаҳкам иқтисодийни барпо этиш ва тобора равнақ топаётган мамлакатингизда маданиятнинг юксалиши борасида эришилаётган улкан ютуқлар ҳам мени хайратга солди.

Шу муносабат билан ўзбек халқининг, шунингдек, гўзал юртингизга хайрихоҳ дўстларининг Сиз жаноби олийларига ҳурмат-эҳтироми ҳамда садоқати чексиз эканлигининг гувоҳи бўлганлигимни алоҳида таъкидламоқчиман.

Сиз Жаноби олийлари томонидан янги Ўзбекистонни дунёга кенгроқ танитиш, халқингизнинг ўтмиш шухратини, илм-фанга, фикрга, мусулмончилик илмига кўшган мардонавор ва тарихий ҳиссасини ҳамда адолат душманлари билан олиб борган курашда тутган макъени тиклаш, ислом қадриятларини муҳофаза этиш борасидаги астойдил сайёҳаракатингиз шунга ишонч тугдирадими, мамлакатингиз бундан буён ҳам ислом оламини тараққий эттиришга ўз ҳиссасини қўшаверади, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди.

Жаноби олийлари, биз - араблар ўз оғаниларимиз билан бирдамлик ва жипсликка интиламиз. Қалбимиз Сизга ва халқингизга нисбатан меҳр-муҳаббат ва эҳтиром билан тўла. Сизга бундай хайрли ишларингизда янада собитқадамлик ва Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишдек олийжаноб мақсадингизда муваффақият тилаймиз.

Мақтубимни яқунлар эканман, Сиз Жаноби олийларига, бизга кўрсатган улкан эътиборингиз, меҳмондўстлигингиз, илм ва илм аҳли тўғрисидаги гамхўрлигингиз учун зўр мамнуният билан миннатдорлик ихтор этаман. Айни пайтда табарруқ саналар муносабати билан уюштирилган ва биз ҳам иштирок этиш шарафига муассар бўлган илмий анжуманлар ҳамда тарихий тантаналар учун ҳам Сиздан миннатдоримиз.

Сизга чин юракдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қадрдон юртингизга эса тараққиёт ва фаровонлик ёр бўлишини тилаб қоламан.

Сизга Оллоҳ ёр бўлсин!

Қамоли эҳтиром билан

Доктор Аҳмад Жалол ал-Тадмурий, Раас ал-Хайм Амири девонхонаси маслаҳатчиси, Бирлашган Араб Амирликлари.

Сарҳисоб

Наманган вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни яқдил қўллаб-қувватлаётганликларини ёрқин намойиш қилди. Айни пайтда энг оммавий ташкилот вакиллари бўлажак сайловларда фаол иштирок этиб, муносиб номзодлар учун овоз беришга қақирдилар. Шунингдек, инсон манфаатлари билан боғлиқ кенг қамровли масалаларни ишчанлик билан муҳокама қилдилар. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни баҳамжиҳат ҳал қилиш ва истиқболдаги ҳаётий муҳим вазифаларни белгилаб олдилар. Конференция сўнггида пленум бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўрилди. К.Раимжонов Наманган вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси этиб сайланди.

Шунингдек, битимлардаги мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан ҳам аниқ тақлифлар билдирилди. Ташкилий ишлар кўрилган пленумда Марказий Қўмита янги таркиби кўриб чиқилди. А.Ғулмомов Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё соҳасидаги муҳофазаси билан боғлиқ масалаларни ишчанлик вазиётида муҳокама қилдилар. Жамоа шартномалари ва раиси этиб сайланди.

Янги китоблар тақдимоти

«Маънавият» нашриёти - истиклолимиз фарзанди. Унинг ташкил этилишидан мақсад жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ешларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз, Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшишдан иборат.

Нашриёт ўз фаолияти давомида республиканинг кўзга қўрилган олимлари, адиблари, етакчи санъаткорлари билан ҳамкорлик қилиб, «Истиқлол қахрамонлари», «Тил вади», «Мозийдан садолар», «Санъатнинг соҳир олами» каби туркумларда тарих, адабиёт, санъатга доир кизиқарли мавзулардаги кўплаб асарларни эълон қилди.

Кўни кеча республика Миллий матбуот марказида ушбу нашриётнинг яна икки маҳсули — «Комиллик калити» (Маъна-

виятдан ўзбекча-русча-инглизча луғат) ҳамда адабиётшунос олим Низомиддин Маҳмудовнинг «Маърифат манзиллари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Бу нашриётнинг ўзига хос ҳисоботи бўлди. Нашриёт ўз фаолиятини бошлагандан буён ҳозиргача салкам юзга яқин номда китоб, плакат ва қўлланмалар чоп этди. Уларнинг умумий сони эса бир миллион нусхага яқинлашиб қолди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Б.Қосимов, филология фанлари доктори Э.Бегматов ва бошқалар жамоатчилик кўригига қўйилган асарларнинг илмий-маърифий аҳамияти ҳақида гапирди. Нашриёт жамоасига хайрли ишларида муваффақиятлар тилади.

1999 йил — Аёллар йили



Гулистон тикувчилик фабрикаси жамоаси Халқ таълими вазирлигининг бююртмасига асосан кам таъминланган оила фарзандларига ва мавжуд лицей, коллеж ўқувчиларига мўлжалланган ўқув формалари ишлаб чиқара бошлади. Бунга сабаб мазкур корхона жамоаси яқинда Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган таназерда иштирок этиб, юқори бирини эгалланган. Корхона раҳбари Шокиржон Абдуллаевнинг таъкидлашича, тикувчилик фабрикаси Тошкент, Андижон ва бошқа вилоятлардан қарий ўн миллион сўмлик бююртма қабул қилган. Шунингдек, бу ерда меҳмонхона ва туман, шаҳар ҳоқимликлари биносига юқори андозали дарпардалар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Суратларда: 1. (чапдан) корxonанинг моделлар-конструктор тажриба цехининг бошлиғи Гайсина Зулориява ва чевар Зухра Убайдуллаева. 2. (чапдан) цех мастери Саида Отаева шогирди Шоира Содикова билан.

Инсон умрини оқар дарага менгзашади. Бу кийс ҳар бир ганимат фурсатининг қадрига етишга ундайди. Кимдир ўзи амалга ошираётган эзгу ишлари орқали ном қозона, кимдир мурувватга эҳтибжманларга, маҳалла-қўйга, эл-улусга беминнат саховатпешалиги билан ёркин ва ардоқли хотира қолдиради.

Бригада аъзоларининг ҳиссалари салмоқли бўлди. Меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида деҳқонлар 50 мингдан 150 минг сўмгача даромад олашди.

ташқари, 16 миллион сўмлик янги боғча-мактаб биносини қуриб, ишга туширдик. Бу йўналишдаги ҳаракатимизни давом эттиравемиз. Дарвоқе, мактабларимизда маъгулотлар ўтказиш бир смнада ташкил қилинган. Бу эътибор бермоқдамиз. Уларнинг жисмонан бақувват, маънан етук бўлишлари учун барча зарур чораларни кўраямиз. Утган йили 250 ўринли махсус мактаб қурадик. Натижалар ёмон эмас. Тошкент шаҳар ва

тушириш ниятидамиз. Фойдаланишга топширилган, 150 киши иш ўрнига эга бўлади. Бунга соф даромаддан 150 миллион сўм ажратдик. Умуман, аҳолини бандлик даражасини ошироқчимиз. Шу мақсадда 6 гектар ерга иссиқхона қураямиз. Унинг ҳаражати 30 миллион сўм атрофида. Қувонарлиси шундаки, махсулот ишлаб чиқариш янада ошса, иккинчи томондан, қўшимча иш жойлари барпо этилади. Бинобарин, ёрдамга муҳтож кишилар ҳақида гамхўрлик қилишга, соғломлаштириш ишларига амалда имконият қўяйди. Чунонки, шу йил кам таъминланган оилаларга даромаднинг ҳисобидан 3 миллион сўм миқдорда гуруҳ, ёғ, ун ва бошқа озиқ-овқат қўйиб, унга яқин пенсионерга саломатлигини тиклаш мақсадларига бепул йўлланмалар бердик. Хуллас, бизда меҳнатқашларнинг ижтимоий ҳимоялаш яхши йўлга қўйилган.

Биз раис билан хайрлашар эканмиз, мамлакатимизда ана шундай юртпарвар одамлар борлиги билан фахрландик. Мурудулла ҒАФУРОВ.

Саховат азалдан халқимизга хос ва мос фазилат. Бунинг илдизи асрлар қаърига бориб тақалади. Одамийлик хислатлари аждодларимиздан қолган фазилат меросидир. Бас, биров савоб ишга қўл урди, албатта унинг ёнида хайрихоҳлар кўпаяди. Чунки бир-бирига фақат яхшиликларни раво қилиб яшаётган халқнинг бағри ниҳоятда кенг бўлади. Бир-бирини қийин аҳволга ташлаб қўймайди. Умуманфат йўлида неки хайрли иш бўлса, барчасини чин юракдан қилиди. Катта маблағ талаб қилмайдиган жойда хашар қўл келди. «Хашар - элга ярашар!» мақоли ҳам шундан. Пировардида гузарлар, маҳалла ва хўжалиқлар ободонлашиб, аҳолининг турмуш даражаси юксалади. Натижада мамлакат ривожланади, давлатимиз қудратланади. Пойтахт вилоятининг Тошкент туманида Охунбобоев номи жамоа хўжалиғи бор. Унинг ҳудудида туртта маҳалла бўлиб, 7 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Хўжалик асосан сабзавотчилик, боғдорчилик ҳамда фаллачиликка ихтисослашган. Барча хонадонлар ичимлик суви ва табиий газ билан тўлиқ таъминланган. Давлатга махсулотлар етказиб бериш режалари ҳар йили ортиги билан адо этилади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Хўжалик сабзавотчилик ва фаллачиликнинг ўзидан 80 миллион сўм соф фойда кўрди. Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда Ҳаким Азимов бошлик сабзавотчилик, Олим Йўлдошев раҳбарлик қилган

ҳаммаси ҳам меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўлишлари шарт. Масалан, шу йил биргина Эркин Давр тақозосига қўра раҳбар м а х а л л а н и н г ободонлаштириш ишларига 3 миллион сўм сарфланди. 8,5 километр узунликда газ қувури тортилди. Унинг ёнидаги маҳалла аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 3 километрлик қувур ётқизилди. Худудимиздаги барча кўчалар асфальтлаштирилган. Бундан ҳам меҳнатқашларимизнинг астойдил ишлашларига имкон берди. Шунингдек, хўжалик марказида 11 миллион сўм ҳаражат қилиб, ўз дўконига эга бўлган новвойхона қурдик. Энди аҳолимиз иссиқ овоза бўлиб ўтиришамиз. Нурунийларни ҳам эздан чикармадик. Аънавий таъморчилик асосида қурилган «Отахонлар чойхонаси» уларнинг хизматиди. Ешлар тарбиясига алоҳида

1999 йил
5 декабр -
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси, халқ
депутатлари вилоят,
туман ва шаҳар
кенгашларига сайловлар куни

САЙЛОВЛАР — ЎЗБЕК ХАЛҚИ ОЛИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ НАМОЙИШИ БЎЛСИН!

2000 йил
9 январь -
Ўзбекистон
Республикаси
ПРЕЗИДЕНТИ
сайлови куни

Кутилмаганда ҳаво айниб, кўк юзини қора булут қоплади. У ёнғингарчилик бошланмасдан фермерлар ҳузурига етиб бориш учун ҳайдовчига ишора қилди. Чўл одамлари бир сўзди, иродали, қаноатли бўлишди. Сўз беришдими, албатта унинг урдасидан чиқяпти. Ҳокимни қувонтирадиган яна бир нарса — одамларнинг изланувчанлиги, ташаббускорлигидир. Уша воқеа ёдида. Усмон Носир номли хўжалик деҳқонлари ҳузуридан чиқиб, «Фарғона»лик миришкорлар томон бораётганида бир гуруҳ нуронийлар унга рўбарў бўлишди.



Чўл ОДАМИ

— Президентимиз ҳаётбахш Фармонлари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчига айланди, - деди Собир ота Шамсиев. - Энди ўзимизни ҳақиқий мулкдор сифатида ҳис қилаемиз. Ерга, маҳсулот сифатида бўлган муносабат тамоман бошқача. Маъмурият билан қасаба уюшмалари ҳамкорлигидаги шартнома муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўляпти. Иш ҳақи, пенсиялар, нафақа пулларини олиб турибмиз. Ниятимиз садоқатимизни амалий фаолият орқали намоёиш этишдир.

Аксарият фермерлар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Жумладан, «Ҳайдар» фермер хўжалиги пахтачиликни изчил ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Мулжалдаги ҳосилни анча барвақт топширди. Соф фойда 3,5 миллион сўм атрофида бўлди.

Ҳоким Олимжон Мирҳабибовнинг ўзи ҳам чўлда чиникди. Оқолтин туманидаги «Фарғона» хўжалигида бош ҳосилот, раҳбар бўлиб ишлаган кезларида ундаги ишчиларни фазилатлари намойиш бўлди. Шароит оғир бўлишига қарамастан, кўпга суяниб, яхшиларга эргашиб, яратувчилик меҳнатини давом эттирди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда илмий ишга берилди, иқтисод фанлари, номзоди илмий даражасини олди. Энди иқтисодий ислохотни янада жадаллаштириш, чўл муаммолари

ўртоқлашадилар. Фойдали тақлифларни ўртага ташлайдилар. Ана шундай сўхбатларнинг бирида нуронийлар Олимжон акага «Муроса» яраштириш марказини ташкил этишни таклиф қилдилар. Унга энг бообрў, тажрибали, билимдон кишилар жалб этилди. Бирон оилада келишмовчилик юзага келса, улар муаммони ақл билан ҳал этишга ҳаракат қилишади. Шунинг учун бўлса керак, мазкур туманда кўйди-чиқди сўнги йилларда кескин камайди. Ҳоким иложи борича кўпроқ одамлар орасида бўлишга, уларнинг орзу-интилишлари билан ақиндан танишишга ҳаракат қилади. Тўғри, камчиликлар, муаммолар йўқ эмас. Бироқ, одамлар буни тўғри тушунишмоқда. Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши ҳар бир чўлқуварнинг меҳнати самарасига боглиқ эканлигини ўзлари қайд этмоқдалар. Бу ички имкониятларни қидириб топиш, иқтисодиётни юксалтиришга хизмат қилувчи омилларни ишга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда. «Шўхрат» медал соҳиби, изланувчан раҳбар О.Мирҳабибовнинг 133-Сардоба сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатишга зиммасидаги масъулиятни янада ошириб, фидойилик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлашга даъват этди.

Янги асрда ёш, мустақил республикамиз равнақига равнақ қўшишга астойдил интилаётган депутатликка номзодлар вакиллик мандати учун курашга қизгин киришдилар. Бешта сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодлар сайловолди тadbирларининг иккинчи босқичида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга эътиборни қаратмоқдалар. Улар оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш билан чекланиб қолмай, ўз округларидаги сайловчилар билан учрашувлар ҳам ўтказишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Бухоро вилоятидан кўрсатилган 70 нафар номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари савол-жавобларга бой тарзда қизиқарли ўтаёттир. Айниқса, Вобкент, Бухоро, Жондор туманларида ўтказилаётган тadbирлар натижасидан сайловчилар қониқиш ҳосил қилдилар.

Биргина 61-Жондор сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига 6 нафар кишининг номзоди кўрсатилганлиги юртимизда демократик тамойиллар асосида дaдид қадaмлар қўйилаётганлигидан далолатдир. «Ватан тараққиёти» партиясидан Одил Олимовнинг номзоди рўйхатга олинган бўлса, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан Илҳом Норов, Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидан Лубат Тўймуродова, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Бахтиёр Ҳафизов, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан Суннатилло Соибов ҳамда 5-ўрта мактаб директори Моҳира Шукуровалар Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

Далмун, Оқших, Жондор фуқаролар йиғинларида ўтказилган дастлабки учрашувларда депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари уларнинг таржимаи ҳолларини гапириб берган бўлсалар, учрашувларда сўз олган номзодларнинг ўзлари эса сайловолди ҳаракат дастурлари ҳақида атрафлича тўхталдилар. Округ сайлов комиссиясининг раиси, туман марказий шифонасининг бош ҳакими Қаҳрамон Назаров учрашувларни ҳолис, ошқора руҳда ўтишини таъминлашга ҳаракат қилди.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида депутатликка номзодларнинг ҳам сайловчилар билан учрашувлари бўлиб турибди.

ЁШ САЙЛОВЧИЛАР КЛУБИ

Навоий вилоят сайловлар комиссиясининг маъбуот марказида ёшлар билан сайлов комиссиялари раислари, ҳуқуқшуносларнинг ўзаро мулоқоти бўлиб ўтди. Мамлакатимизда сайловчиларнинг салкам 40 фоизи ёшлардан иборат. Шу боис савол-жавоб тарзида ўтказилган мулоқотда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, сайловлар тўғрисидаги ёшларимизнинг билимига баҳо берилди. Ёшларнинг сайловларда фаол иштирокини таъминлаш ва уларга чуқур билим бериш мақсадида «Ёш сайловчилар клуби» ташкил этилди.

Депутатлик масъулиятини ҳозирдан ҳис этган номзод олий вазифага дунёвий кўз билан қараш, сайловолди курашида сайловчиларни ўзининг пухта дастури билан таништириб бориши керак. Эндиги депутат - халқнинг хоҳиш-иродасини ифодайдиган, сайловчилар томонидан билдирилган тақлифларни Олий Мажлис, вилоят, шаҳар, туман кенгаши сессияларида қабул қилинадиган қарорларда эътиборга олиниши учун сўзини дадил ўткази оладиган адолатли, ҳалол, пок инсонлар бўлиши керак. Унда журъат, юксак билим, қатъиятлик, теран фикр бўлмоғи зарур.

Иброҳим ДОНИШ, сайловчи.

Кунни кеча Қумқўрғон туманидаги йрик ишлаб чиқарувчи қорхона — С.Бойматов очик турдаги хиссадорлик жамиятининг кишки клубида жойлашган 149-Сурхон сайлов округида Олий Мажлис депутатлигига номзодлар билан сайловчиларнинг на-

лан самимий ва очик мулоқотда бўлиши. Учрашувдан барча қониқиш ҳосил қилди.

Р.ДАВЛАТОВ.
65-Учтепа сайлов округининг сайловчилари Жиззах туманидаги 12-мактабнинг

М.Файзуллаев, маҳалла маҷнати имомни Акбархон - Ҳоҷи, «Тоқчилик» фуқаролар йиғини раиси Б.Рафиевлар сайловлар кунинда халқимизнинг муносиб номзодлари учун овоз беражакларини айтилар ва барчани шу кунни фаол иштирок этишга чақирдилар. Номзодлар билан учрашувда Жиззах вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ш.Рашидов туман ҳокимлигида 133-Сардоба сайлов округида сайловчилар билан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар учрашуви бўлиб ўтди. Округ сайлов комиссиясининг раиси И.Худойбердиев номзодлар - «Адолат» СДПдан У.Йўлдошев, Сирдарё вилоят кенгашидан О.Мирҳабибов, ХДПдан И.Холбўтаев, «Фидокорлар» партиясидан Ж.Уроқбоева, МТПдан И.Қувондиқовлар ҳақида қисқача маълумот бериб, уларнинг ишончли вакилларига сўз берди.

Номзодлар сайловчиларни ўзларининг сайловолди дастурлари билан таништирдилар.

Сайловчилар номидан Ш.Расулов, Р.Абдуллаев, Т.Қодиров, А.Бойжитов, О.Бозоров, У.Хўжақуловлар сўзга чиқиди.

А. АЗИМОВ,

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ИФОДАСИ

вбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Номзодларнинг сайловолди ҳаракат дастурини аҳолига таништириш мақсадида уюштирилган ушбу йиғилишни ОТХЖ раиси Э.Жумаев очди. Шунингдек, у тўпаланганларга сайловларга боглиқ тadbирлар тўғрисида ҳам кенг маълумот берди. Сўнгги номзодларнинг ишончли вакилларига сўз берилди.

Шуни айтиш керакки, номзодлар Ҳасан Бўриев («Ватан тараққиёти»), Зумрад Хайитова (Халқ демократик партиясидан), Фарид Фозиева (Халқ депутатлари вилоят Кенгаши), Раҳмон Мухаммадиев ҳамда Саида Эшмуродовалар (ташаббускор гуруҳлар вакиллари) сайловчилар би-

мажлислар залида Олий Мажлис депутатлигига номзодлар билан учрашдилар.

Округ сайлов комиссиясининг раиси Бахтиёр Ҳамиджонов йиғилишни очди. У номзодлар билан йиғилганларни таништириб, ишончли вакилларига сўз берди.

Шундан сўнг «Миллий тикланиш» партиясидан кўрсатилган Норўллат Ақромов, ХДПдан Қумри Носирова, «Адолат» СДПдан Олим Олимжонов, Жиззах вилоят Кенгашидан Олимжон Йўлдошевлар ўзларининг сайловолди дастурлари билан барчани таништирди.


Сайловчилар номидан сўзга чиққан Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Тўйчиева, «Тоқчилик» фуқаролар йиғинидан «Давонлик» маҳалла вакили



Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар кенгашига сайлов ўтказувчи 36-сайлов участкаси ҳамда 158-«Машинасозлар» сайлов округида тарғибот ишлари пухта режа асосида, зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бу ерда кўргазмалы воситалар, номзодлар ҳақидаги маълумотлар, ширлар эстетик жиҳатдан дид билан тайёрланганлиги барчани ҳушнуд эт-

Суратда: сайлов комиссияси аъзолари ўзаро тажриба алмашишмоқда.

Шавкат АҚРОМОВ олган суратлар.



Расмий маълумотларга кўра хўжаликда 337,6 гектар майдонга шולי экилганлиги кўрсатилган. Бирок, арзчиларнинг қуйиниб ёзишча, ими-жимида қилинаётган ишлар ҳам мавжуд. Хусусан, «Санжар», «Матрос бува», «Черкой» массивларида 600 гектардан ортиқ ерга шולי экилган. Буни энди мустақаддилар эътиборига ҳавола.

Тахририятимизга келаятган, жонқуярлик билан ёзилган бундай хатларни ўқиб, лоқайдлик, ўзибўларчилик касали аста-секин барҳам топаётганлигини сезиш мумкин. Одамлар қонунбузарлик, кўзбўямачилик каби иллатларга қарши қатъий туриб курашмоқдалар, деган ҳулосага келасан киши. Зеро, мустақил Ўзбекистонимизда қонун барча учун баробардир.

Бундан ташқари, республикамизнинг ваколатли органларида аёлларнинг кенг иштирокини таъминлаш масаласига доир қатор илмий тавсиялар юзага келди. Хотин-қизларни рағбатлантиришнинг иқтисодий масалалари хусусида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Улкан сўз устаси Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тadbирлари» китобини чоп этилиши ҳам академия мутахассис олимлари яқиндан бош қўшдилар.

Ғулom ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

ХОЛИСЛИК, ОШКОРАЛИК

Мамлакатимизда Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари қизгин давом этмоқда. Жумладан, Жиззах вилояти 66-Зарбдор сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига рўйхатга олинган етти нафар номзод ўз сайловчилари билан учрашди. Сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, шунингдек, сайловчилар ташаббус гуруҳи томонидан депутатликка кўрсатилган мазкур номзодлар сайловчиларни ўз сайловолди дастурлари билан таништирдилар. Ишончли вакиллари уларнинг меҳнат фаолияти, ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги, инсоний фазилатлари ҳақида сўзлаб берди.

Учрашувда сўзга чиққанлар бу галги сайловларга тайёргарлик кенг демократик тамойиллар асосида, тенглик, холислик, ошқоралик, вазминлик шароитида ўтаётганини, улар 5 декабр куни ўзлари муносиб деб топган номзод учун овоз беражакларини таъкидладилар.

Ушбу шикоят сабаб бўлиб сафарга отланди. Хўжалик раҳбари, мутахассислар билан фикрлашди. Адолат юзасидан айтиш керак: хўжаликда иш унганмоқда. Давлатга пахта топшириш режаси бажарилди. Бу иқтисодиётни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Лекин баъзи томонлар софдил кишиларни чуқур ўйлантирмоқда.

Маълум бўлишича, шикоят биринчи мартабада ёзилмаётган экан. Хусусан, меҳнат фахрийси О.Тўраев ва Ю.Собировлардан Гурлан туман кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига ариза тушган. Шикоятлар юзасидан мазкур бошқарма бошлиғи К.Божонов, деҳқончилик бўлими бошлиғи Ф.Маточнов ҳамда туман ер хизмати бошлиғи З.Урозлиевларнинг ҳулосаларидаги баъзи рақамларга мурожаат қилсак. Шикоятчи: жамоа хўжалиги омборида 1998 йилги 90 тонна шולי бўлиши керак эди, таажжубки, негaдир шу шולי йўқ бўлди, дега эътироз билдирди. Расмий ҳужжатда таъкидланишича, ўтган йили бошқарув раиси ўз хўжалигига 16 январдаги шартнома асосан шахсий жамғармасидан 5946300 сўм қарз берган экан. Йил охири шу қарзни қайтариш учун бир кило шולי 37 сўмдан ҳисобланиб, 96 тонна шולי ажратилибди...

Журналист нуқтаи назари

ИМИ - ЖИМИДАГИ ИШЛАР

Шундай қилиш мумкинми? Энди эътиборингизни уларнинг Республика Вазирлар Маҳкамасининг фуқароларни қабул қилиш ва аризаларини кўриб чиқиш бўлимига йўллаган мактубларини ўрганиш яқуни тўғрисидаги маълумотномада қайд этилган айрим миқдорларга қаратсак. Хоразм вилояти кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Р.Қурбонов имзоси билан тасдиқланган ушбу ҳужжатда «жамоа хўжалиги вакиллари йиғилишининг 1999 йил 8 январдаги баённомасига асосан бошқарув раисининг 1979 йилда чиқарилган «ГАЗ-24» русумли хизмат машинаси эскириб қолганлиги сабабли «ГАЗ-31-10» русумли янги автомашина-

ни (бир кило баҳоси 35 сўмдан), жами 60 тонна шולי, 2100000 сўмга ҳисоблаб олинган» дейилган. Ажаблანарлиси шуки, уша пайтда Урганч шаҳар деҳқон бозорида бир кило гурлуч баҳоси 135 сўм бўлган. Агар 60 тонна шолидан 36 тонна гуруч чиқадиган бўлса ва уни ўртача 130 сўмдан сотганда ҳам 5 миллион сўмга яқинлашади. Энди бўвўғига шубҳали саволлар туғилаверади.

Текшириш ўтказилган кунгача 29 нафар ҳисобдор шахсга эътиёт қисм, жиҳозлар, маҳсулот сотиб олиш учун нақд пул берилишига йўқ қўйилган. Жамоа хўжалиги бошқаруви баъзи пудратчилар билан номигагина шартнома тузган.

Шикоят юзасидан ўтказилган текшириш яқунлари

КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕХНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҶИМОЯЧИСИ

Қашқадарё

БОЗОР ШАРОИТИДА

Ҳар жабҳада бўлгани каби касаба уюшмалари ҳаётида ҳам чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Конференциядан конференцияга қадар ўтган давр ичида вилоят кенгаши ўз олдига қўйган вазифаларни қай даражада ундашдан чиқди? Кенгаш раиси Эсон Ражабов шу хусусда хикоя қилади.

Янгица ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитлар касаба уюшмаларидан ўзларига берилган қонуний ҳуқуқ ва кафолатлардан кенгроқ фойдаланишни, ижтимоий муҳофазада адолат тамойилларига риоя қилишни ва маъмурият олдига меҳнаткашлар манфаатларини дадил ва қатъий туриб ҳимоя қилишни тақозо этмоқда. Кези келганда бу шартлар вилоят ҳокимлиги билан касаба уюшмалари вилоят кенгаши ўртасида тузилган Битимда ўз ифодасини топганлигини, унда аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш кафолатларидан тортиб, меҳнаткашларни соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт, маданий-маърифий ишларига қамраб олинганлигини эслатиб ўтишни истардим.

Дастурхонга фотиҳа тортар эканмиз, ҳар биримиз Яратгандан тинчлик-хотиржамлик ва саломатликни сўраймиш. Бироқ халқда қарсикчи қўлдан, деган гап ҳам бор. Шу маънода меҳнат муҳофазаси биз учун муҳим аҳамиятга молик масалаларга қўлмоқда. Ўтган ҳисобот даврида муайян натижаларга эришилди. Чунинчи, меҳнат муҳофазасига оид қонун ва талабларни бузганликлар учун 58 нафар раҳбар ҳодимга 75 миң сўмдан зиёд миқдорда жарима солинди, 163 носоқ мослама ва усқуналардан фойдаланиш вақтинча тўхтаб қўйилди. Меҳнат муҳофазаси масалалари ҳамда зарар тоновларининг тўлатиши буйича мурожаат этилган 250 га яқин ариза ва шикоятларга жавоб берилди. Бир сўз билан айтганда, ўтган беш йил мобайнида 25 миң киши учун ой

Аммо хотиржам бўлишимизга ҳали эрта. Ечимини қутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, янги иш ўринларини олайлик. Гарчад вилоят Меҳнат бошқармаси билан ҳамкорликда муайян самарга эришилган бўлса-да, айниқса, иш жойини йўқотган кишиларни янги касаба ўргатиш ва уларни фаол ижтимоий ҳаётга қайтариш бир мунча қийин кечяпти. Бозор шароитида эса, бу касаба уюшмалари олдига турган бирламчи масалалардан бири бўлиб қолиши аниқ. Бинобарин, бу муаммо ечимига ҳозирдан тайёр туришимизга тўғри келади.

Мен бир нарсасга қатъий ишонман. Касаба уюшмаларининг макъеи йилдан йилга ортиб боради. Сабаби: яна ўша бозор муносабатлари. Тараққий этган мамлакатлар таж-

Шу кунга қадар вилоят корхона ва ташкилотларида 1196 та жамоа шартномалари тузилиб, ярим йиллик иш натижалари буйича 978 та жамоа шартномаларининг бажарилиши муҳокама қилинди. Натихода бу муҳим ишга хусусан, агро-саноат мажмуи ҳодимлари, соғлиқни сақлаш, ёқилғи-энергетика ва кимё соҳалари, автомобил транспорти ва йўл ҳўжалиги ҳодимлари касаба уюшмалари тармоқ кўмиталари тизимида масъулият билан ёндошилганлиги маълум бўлди.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШАРОФАТИ

Тахлиллар шуни қўрсатдики, қўлбал меҳнат жамоаларида ҳодимларни ишга қабул қилиш, меҳнат шартномаларини бекор қилиш Меҳнат Кодекси талабларига мувофиқ тарзда амалга оширилмоқда. Шунингдек, айрим ҳодимларга қўшимча тўловлар, тавтирлар берилмоқда. Ҳодимларнинг иш шартлири яхшиланаётганлиги, меҳнатни муҳофазаси қилиш масалалари муваффақиятли бажарилимоқда. Бу ҳар бир ишчининг ўз

аси ва касаба уюшмаси кўмитасининг бевосита кўмаги билан корхонада ишловчиларга иш ҳақлари жамоа шартномасида кўрсатилган мuddатларда тўланмоқда. Жамоадаги 250 нафар кам таъминланган кўп болали оилаларга 1 миллион

ташқари корхона ёрдамчи ҳўжалигига етиштирилган махсулотлар ишчиларга арзон нархда сотилиши ташкил этилди. Меҳнатни муҳофазаси қилиш тadbирларига 1,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бундай мисолларни яна ҳам келтириш мумкин. Ишчинини қанча кўп ардоқласак, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб, меҳнаткашларнинг турмуш шартлири янада яхшиланаверади.

Ҳар бир ташкилот ва корхона ўз ишчи тақдири учун қизиқмас экан, жамоада ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш қийин. Бундан ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Ҳалил НУРИЕВ,
Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.

Раҳматнома

СУЯНЧИМ ЎЗИНГАН

Бир неча йилдан буён ҳўжаликда электр механик вазифасида ишлаб келардим. Нима бўлди-ю, даб-дурустан «Сенинг шатинг қисқарди» деб ишлаб турган жойимдан мосуво қилишди. Бу ҳақда илгари оғоҳлангиларим билан шатат қисқартирилиши хусусида ҳеч қандай гап-сўз бўлмаганлиги учун ҳайрон қолдим.

Ҳўжалик раҳбарларига Меҳнат Қонунлари бузилаётганлигини айтган эдим, кулоқ солиш у ёқда турсин, дўқ-пўнса қилишди ҳатто. Кўп ўйлаб ўтирмадим. Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси номига ишдан ноҳақ бўшатирилганлигим ҳақида ариза ёздим. Теъдда адолат тикланди. Илгариги ишимга тикланиб, мажбурий бекор юрган кунларим учун тўлиқ иш ҳақи олдим.

Агросаноат ҳодимлари касаба уюшмалари вилоят кўмитаси раҳбарларига ўз фуқаролик ҳуқуқимни тиклаганим учун миннатдорчилик билдираман.

Уйлайманки, касаба уюшмалари вакиллари меҳнаткашлар тақдирига бундан кейин ҳам берафқ бўлмай, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун бор билим ва имкониятларини аямайдилар.

Бердиали САТТОРОВ,
Чирчиқ туманидаги Файзулла Ҳўжаев номили жамоа-ширкат ҳўжалиги хизматчиси.

ФАОЛИЯТ ОЙНАСИ

Айни пайтда вилоят касаба уюшмаларида 3831 та бошланғич ташкилот бўлиб, ўз атрофига 532541 кишини бирлаштиради. Касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят Кенгашининг конференциялар оралигида меҳнаткашлардан жами 403 та ариза тушиб, уларнинг 350 таси ижобий ҳал этилди. Ишдан нотўғри бўшатирилган 70 нафар касаба уюшма аъзоси иш жойига тикланди.

Иш ҳақларини ололмаётган 56 киши касаба уюшмалари аралашу-

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШАРОФАТИ

«Қаршиёғэксстракция» ҳиссадорлик жамяти, Муборак нефт ва газ қонлари бошқармаси, Касаби туманидаги Шароф Рашидов, Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов, Китоб туманидаги Раззоқ Шаймонов номили кишлоқ ҳўжалик ширкат ҳўжаликларига жамоаларининг ишлари ибратлидир.

Масалан, Муборак нефт ва газ қонлари бошқармаси жамоаси куриб берилди. Бундан

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШАРОФАТИ

малар берилди. Вилоятда санитарий-профилактикада 23796 нафар киши саломатликларини тикладилар. Бу мақсадлар учун салкам 74 миллион сўм сарфланди.

Вилоятда 1 та гўдақлар уйи бўлиб, унда 60 нафар бола тарбияланмоқда.

Ўтган конференциядан ҳозиргача соғломлаштириш оромгоҳларида 108300 нафар бола дам олди.

Вилоятда 3 та мурувват уйи бўлиб, 300 нафар бола тарбияланмоқда.

ИНСОНИЙЛИК САБОҚЛАРИ

Ёшлар — мамлакат келажиги. Тўғриси, Нишон агро-иқтисодий коллежига ўқишга кирмагунимча бу сўзларнинг моҳиятига ўнчалик эътибор ҳам бермасдим. Бугун молия ва кредит бўлими 3-босқич талабасиман.

Коллеж наинки туманда, балки вилоятда ҳам энг номдор ўқув юртлиридан. Бу фақат унда нуфузли иқтисос соҳиблари тайёрланади ёки иқтисодий бақуввати эканлигидан ҳам эмас. Энг муҳими, бу ерда муаллимларимиз ҳам, талабаларимиз ҳам ижтимоий ҳимоя топанлигиди.

Инсон учун аввало бошлана керак. Ҳозир домларимиз учун бундай муаммо йўқ. Давлат уйларида яшаётганлар яшаш жойларини хусусийлаштириш олган бўлсалар,

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШАРОФАТИ

рибаси ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмалари ва раҳбарият ўртасида тенг шерикчиликка асосланган ҳамкорлик юзага келади. Касаба уюшмалари халқнинг энг яқин сунъичларидан бирига айланиб қолади.

Максуд РАҲМАТОВ,
талабалар касаба уюшма кўмитаси раиси.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШАРОФАТИ

Косон ёғ-эксстракция очик турдаги ҳиссадорлик жамятида бир кечакундузда 700 тонна атрофида чигит қайта ишланапти. Цехларнинг сифатли таъмирдан чиқарилгани, янги замонавий технология қўлланилгани ҳамда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқара-

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШАРОФАТИ

диган қўшимча цехларни ишга туширилиши олинган соф фойда миқдорини оширяпти. Бу тadbирларнинг амалийлигини таъминлашда касабақўм фаоллари ва аъзоларининг салмоқли ҳиссаси бор.

Айтиш керакки, жамятда шу пайтгача карбонидан фойдаланилмас эди.

Ш.ШАРОПОВ,
(ЎзА) олган сурат.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШАРОФАТИ

Муборак газни қайта ишлаш заводида ҳозирда уч сменада иш олиб борилади. 2500 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилиб келмоқда.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

МЕХНАТ ҚОНУНЛАРИ БУЗИЛМАСИН

Меҳнаткашларни ҳар жиҳатдан ҳимоялаш, бу энг аввало, Меҳнат қонунлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш демакдир. Ўтган ҳисобот даврида 538 та корхонада меҳнат қонунчилиги назорат қилиниб, 2325 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланганлиги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Уларни бартараф этиш учун корхона раҳбарларига 262 та тақдирномалар юборилди. Аниқланган ҳаёт ва камчиликлар юзасидан 179 та корхонада қайтадан текшириш ўтказилди, 26 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий чора қўлланилди.

Мақсад жазолаш эмас, жойида таҳлил қилиб, ёрдам кўрсатишидир. Шу боис, Меҳнат қонунчилиги риоя қилинишини назорат қилиш назоратни қучайтириш борасидаги масала бир неча марта касаба уюшмаси вилоят Кенгашининг Пленумлари муҳокамасига киритилганлиги бежиз эмас. Бундан ташқари, Меҳнат қонунчилигини тушунтириш буйича жойларда 200 дан ортиқ суҳбатлар ўтказилганлиги ҳам аслида шундан. Жумладан, ўтган конференциядан буён ушбу мавзуда ўтказилган семинар-кенгашларда 22 миңдан ортиқ касабақўм аъзосига сайланган фаоллар ўқитилди.

Шунга қарамай айрим корхона ва ташкилотларда қонун талабларига риоя этилмапти. Ҳодимлар билан тузилган меҳнат шартномаларини касаба уюшмаси кўмитаси вакиллари билан розилигини олмасдан бекор қилиш ҳолатлари содир этилаётганлигини эса, айниқса, кечириб қўйин. Ҳодимларга иш ҳақи ўз вақтида берилмаётганлиги, меҳнат таътили бериш ҳақида тузилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Ҳодимларга интизомий чоралар қўллашда Меҳнат Кодекси талаблари қўпол равишда бузилмоқда.

Меҳнат шартномаси асосида ҳодимлар иш ҳақини ўз вақтида бермаганлиги учун Қамашчи туманидаги «Наврўз» жамоа ширкат ҳўжалиги, Нишон пахта тозалаш заводи ҳамда шу тумандаги марказий шифона раҳбарларига Меҳнат Кодексининг тегишли моддалари қўлланилиб, турли миқдорда жарима солинганлиги ҳар қалай уларага обур келтирмаганлиги аниқ.

Ташкилот ва муассасаларда Меҳнат қонунларининг бажарилишини назорат қилиш, бу айни вақтда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳам дегандир. Шундай экан, жамят тараққийотининг бу муҳим омили ҳамisha диққат марказида бўлиши керак.

Шукрулло АБДУЛЛАЕВ,
Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ҳуқуқий ишлар бўлими бошлиғи.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШАРОФАТИ

«САЙИЛГОҲ» БАҒРИГА ЧОРЛАР

Касбим тақозосига кўра тез-тез Тошкентда бўлиб тураман. Ҳар сафар уйга қайтаётганда, Қарши дарвозасидан ўтар эканман, юрагимни тўлдирган соғинч тасалли топангдек бўлади. Айни чоғда ўзим уйламаган ҳолда она шаҳримни ноҳажон поятиман билан қийналайман. Ўзига хослигидан бир қувонсам, ўқашликларини кўриб ифтихор ҳис қиламан. Худди Тошкентдагидек равои қўчалар, маҳобатли саройлар...

Шаҳримизда янги қурилаётган «Сайилгоҳ»ни кезар эканман, беихтиёр кўз ўнгимда пойтахтда худди шу ном билан аталувчи ором маскани бутун буй-баста билан намойи бўлади. Бу ерда энг шимарисиб, астойдил меҳнат қилаётган бунёдкорларнинг ҳар бирини бағримга босиб, ташаккурлар айтгим, солгим ҳам ўз «Сайилгоҳ»имиз бўлади энди, дея бутун дунёга жар солигим келади.

Айтишларича, «Сайилгоҳ» мажмуи нафақат қаршиликларнинг, бутун воҳа меҳнаткашларининг дам олиш масканига айланади. Эски, кўрмесиз уй-жойлар, қурилышлар ўрнига янги ишоотлар, амфитеатр, фаворалар, ёғи томоша ўриндиқлари барпо этилади...

Шавкат СУЛТОНОВ

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШАРОФАТИ

«МЕНГА ЁРДАМ БЕРИНГ»

ли буйруғи билан ҳодим ўз ишига қайта тикланди. Боғча тарбиячиси Юлдуз Эргашева эндиликда ўз иш жойида ишламоқда.

Шунингдек, Халқ банкининг Қарши туман бўлими назоратчиси Дилшода Чориева ҳам шатат қисқартириш баҳонасида Меҳнат Кодексининг 101- ва 237-моддалари талаблари эътиборга олинмай, эгзаллаб турган вазифасидан бўшатирилган. Бу ишни ҳам ка-

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШАРОФАТИ

саба уюшмалари вилоят Кенгашининг ҳуқуқий бўлими мунча, одамларда ҳуқуқий билим тобора ортиб бораётганлигининг исботи ҳамдир.

Бу, албатта, бизни қувонтиради.

Яраш НОРОВ,
касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ташкили ва ҳодимлар билан ишлаш бўлими мудири.


ЭНГ МУҲИМИ, ДИЛ РАНЖИМАСИН

Модомки, жамятимиз ижтимоий адолат тамойиллари асосига қурилган экан, ҳар бир ташкилот ва муассасада адолат мезони бўлиши керак. Кўп йиллик иш фаолиятим даврида айрим боқибегам раҳбарлар ўз ҳодими тақдирига берафқ бўлаётганликлари гувоҳи бўлганман. Натихода биргина асосиз кўрсатма билан эгзаллаб турган вазифасидан бўшатирилган ҳодим қанчадан-қанча овор-у сарсон бўлади. Адолат топиб, ўз ишига қайта тиклангунча озмунча изтироб чекади.


Шу жиҳатдан жамоамиз касаба уюшма кўмитаси раиси Хурсанд Жўраев йил бошида тузилган жамоа шартномасига кўра ҳодимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун бор имкониятни ишга солиётганлиги мушқулми эсон қиялпти, десам муболага бўлмайдди. Кишининг бошида янги тўй, ёмон ўлим бор. Буларнинг барида касабақўм бош-қош. Йил бошидан буён ҳозиргача ҳодимларимизга 1,5 миллион сўмлик турли кишлоқ ҳўжалик махсулотлари арзон нархларда берилди.

Энг муҳими, раисимиз сўзида собит. Ҳеч қилинган дилини ранжитиб қўйишларига йўл қўймайди. Қанинди, бошқа жойларда ҳам касаба уюшмаси шундай ишласа...

Январ ИНОЯТОВ,
вилоят кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси ҳодимлар бўлими бошлиғи.



Фахрий «САЙИЛГОҲ» БАҒРИГА ЧОРЛАР



З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕХНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҶИМОЯЧИСИ

Тошкент вилояти

Сабоқлар ва режалар

Инсон ҳақ-ҳуқуқлари, ижтимоий аҳволи ҳақида меҳрибонлик қилиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бундай ишларни улар ҳозирги замон талабларига мос келадиган даражада олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши бугунги кунда ўз сафларига 565729 нафар аъзони бирлаштирган бўлиб, улар 3709та бошланғич касаба уюшма ташкилотига бирлашган.

Мехнат қилиш инсон учун катта бахт. Чунки ҳамма хайрли, эзгу ишлар, маъмурилик, бахтни инсон ўз меҳнати билан яратди. Шунинг учун ҳам вилоят касаба уюшмалари ўз фаолиятларининг асосий йўналишларини «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар асосида ташкил этганлар. Янги иш ўринларини яратиш, касб малакасини ошириш ва ҳақларининг мутаносиб равишда ошириб борилишига эришиш, янги касбларга ўқитиш каби масалалар шулар жумласидандир. Аҳолини иш билан таъминлаш масалалари

вилоят ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг биргаликдаги

саройи ҳиссадорлик жамияти, «Қобул-Тўйтепа ЛТД» кўшма корхонаси ва бошқа кўплаб жойларда меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигини таъминлаш, ишловчиларга кулайликлар яратиш борасида самарали ишлар олиб боришмоқда. Афсуски, ана шу

Касаба уюшмаларининг долзарб вазифаларидан бири — ишчи ва хизматчиларнинг саломатлиги муҳофазасидир. Бу йўналишда имтиёзли йўлланмалар билан 83 минг киши санаторий, профилакторий ва дам олиш масканларида даволандилар. Урта ҳисобда ҳар 1000

Ҳар қандай вазиятда ҳам инсон маънавий юксак, маданиятли бўлиши талаб этилади. Инсон маънавий оламини юксалтириш, айниқса «Аёллар йили»да аёлларимиз ва ўсиб келаётган ёш авлодни замоннинг илғор кишилари қилиб тарбиялаш масаласи касаба уюшмалари эътиборида бўлди. Бу борада байрамларда вилоят миқёсида олиб борилган тадбирлар ва «Ёш юлдузлар» вилоят ҳаваскорларининг кўрик-танловлари оммавий тарзда ўтди. Меҳрибонлик уйлари ҳам эътибордан четда қолмади.

Касаба уюшмалари тизимидаги 31 та кутубхона, 545 та спорт зали, 570 та футбол майдонлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирга келиб 11 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 36 нафар спорт устаси, 300 дан ортиқ спорт усталарига номзодлар бизнинг фахримиз бўлиб турибди.

Рустам ТУРДАЛИЕВ,
касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси ўринбосари.

Соғломлаштириш

Кўпчилик жабҳаларда юз берган иқтисодий қийинчиликлар Бекобод автобус-такси ҳиссадорлик жамиятини ҳам четлаб ўтмади. Лекин ишнинг кўзини билиб, омилкорлик билан қилинган ҳаракатлар яхши натижалар берди. Иқтисодий аҳволини яхшилашнинг бош омилларидан бири йўналишга чиқадиغان машиналарнинг узлуksиз ишлаши, ҳайдовчиларнинг ўз ишидан мамнунийлик ҳиссини йўқотмаслик, ҳамма иш ўринларида шароитни яхшилаш эканлиги доимо диққат марказда бўлди.

430 кишилик автокорхонада қабул қилинган жамоа шартномасида ҳиссадорлар ҳаётининг барча қирралари қамраб олинган. Унинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида йилига икки марта ҳисобот берилди. Бекобод кўчаларида ҳаракатда бўлган ва асосий қисми эскириб қолган автобусларни

тирмайди. Аёллар йили муносабати билан корхонада хизмат қилаётган хотин-қизларнинг иш куни 6 соат қилиб белгиланди. 8 март байрамиди 170 минг сўмлик совғалар тарқатилди.

Жамоа бўлиб ҳордиқ чиқариш ҳам шартнома бандларида бўлиб, амалга ошириб келин-

ни маъмурият ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, унинг оиласига ўртача иш ҳақининг 6 баравари миқдориди — 52150 сўм пул ҳамда 5 минг сўм сугурта маблағи берилди.

Маъмурият биносига жойлашган касаба уюшма кўмитаси хонаси ҳамма шартнома билан Кимдир ариза билан қимдир маслаҳат, моддий ёрдам сўраб келиб туради. Касабақўм раиси Юрсунбой Эгамбердиев уларнинг ҳар бирининг талаб-эҳтиёжи қондирилмагунга қадар тиниб-тинчимайди.

— Бизга ишонгани учун ёрдам сўраб ке-

АҲОЛИГА ИЖТИМОЙ ЁРДАМ

ҳаракат дастурига айланди. Унга мувофиқ 24234 та янги иш жойлари яратилди, шундан 14165 таси кишлоқ жойларида ташкил этилди. Аҳолига ижтимоий ёрдам тарихида бандлик жамғармасидан ишсизлик нафақасига 12,1 миллион сўм, ўқиш ва қайта ўқитишга 5,4 миллион сўм сарфланди. Меҳнатни муҳофаза қилиш долзарб масалалардан бирига айланган. «Трансформатор», Бекобод автобус -такси

чора-тадбирлар, сарфланаётган катта маблағлар кутилган натижаларни бермапти. Вилоят корхоналарида ўлим билан тугаётган ҳолатлар ҳали ҳам кўп. Ҳисобот даврида 1985 нафар киши ўз вазифасини бажараётганида жароҳатланди, шундан 175 нафари ҳаётдан кўз юмди. Шу йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида агросаноат мажмуи тармоқларида 11 та ўлим ҳодисаси юз берди.

ишловчига 43 тадан йўлланма тўғри келди. Ҳозирги вақтда вилоятимизда санаторий-профилакторийлар сони 20 тага етди. 2660 нафарларда 62600 нафардан ортиқ киши соғломлаштирилди.

Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш масалалари ҳам диққат-эътиборимиздан тушмаяпти. Жорий йилда 29 та оромгоҳ фаолият кўрсатиб, уларда 29400 нафар ўғил ва қизлар дам олдилар.

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

ҳар доим ишга шай ҳолатда сақлаб туриш учун устахона қайтадан таъмирланиб, хоналар ёруғ, иссиқ, ҳавоси тоза ҳолатга келтирилди. Имкони борича ускуналар янгиланди. Ошхона, чойхона, душ, сауна икки сменада ишлайдиган бўлди. Иккинчи сменада меҳнат қиладиган ишчиларнинг овқати бепул. Тиббий ходимлар ҳайдовчилар саломатлигини назорат қилиб, зарур бўлса шифохоналарда автокорхона маблағи ҳисобидан даволанишлари учун йўлланма беришди.

400 ўринли клуб ишчи-хизматчилар хизматида. Тантанали муқофотлар топширилади, шу ердан пенсияга чиққан кишилар ҳам уну-

моқда. Буларнинг ҳаммаси ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун муҳим омил бўлмоқда. Турмушдан кўнгли тўқ, яхши кайфиятли кишининг меҳнати ҳам самарали бўлади.

Уй-жой масаласи бўйича тушган 9 та ариза инобатга олиниб, шаҳар ҳокимлигидан ер масаласини ҳал этиб бериш сўралди. Қурилишни бошлаган кишиларга шифер ажратилди.

Ўтган давр мобайнида ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса қайд этилмади. Лекин шаҳар кўчасини кесиб ўтаётган ҳайдовчи Алексей Костенковни машина уриб юборди, соғлиғига жиддий зарар етди. Унинг шифохонада даволаниш харажатлари-

лади, — дейди касабакўм раиси. — Агар бирининг ишончини оқлаётмасак, бошқаси мурожаат қилмай қўяди. Унда одамлардан ажралиб қоламиз. Агарда ходимларнинг хурматини ўрнига қўйсак, улар унумли меҳнати билан жавоб беради. Бундан меҳнаткашларнинг ўзи ҳам, автокорхона ҳам манфаат кўради.

Жонажон ўлкамиз пойтахтини мамлакатимизнинг жанубий чегаралари билан боғлаб турувчи Бекобод шаҳрига ошиқиб бораётган «Икарус», «ДЭУ» ни тўлдириб кетаётган йўловчилар хотиржам. Чунки улар сергаклик билан автобусни бошқариб бораётган ҳайдовчиларга ишонадилар.

Х. ТЕМУРОВ.



Ишга марҳамат!



Аҳолини иш билан таъминлаш борасида Паркент туманида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳокимлик, касаба уюшмалари меҳнат биржаси билан биргаликда қўшимча иш жойларини ташкил қилиш, ёшларга касб ўргатиш каби юмушларни олиб бормоқдалар. Шу

йилнинг ўзида 160 нафар ёшлар янги касбга йўналтирилиб, иш билан таъминланди.

Суратларда: 1. Меҳнат биржаси раҳбари С.Тўйчиев, давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори М.Сайдалихўжаевалар.

2. Меҳнат инспектори Ф.Алиев, дурадгор Ф.Маҳқамов, инспекторлар К. Эшов, Ф.Икромов ва шўъба мудири К.Рауповлар меҳнат маҳсулини кўздан кечиришмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ
олган суратлар.

1999 йил — Аёллар йили

ДЕҲҚОН ҚИЗИНИНГ БАХТИ

— 201 гектар майдонда бугдойимиз бор, — дейди Пскеонт туманидаги Аҳмад Дўстбеков номли жамоа хўжалигининг галлачилик бригадаси бошлиғи Мухаббат Ризаева. — Деярли ҳамма ерларимиз аҳоли яшайдиган кишлоқлар билан туташган. Ҳар куни ўзим юриб, одамларнинг иш шароитидан кўз-қулоқ бўлиб туришга одатланганиман. Чунки, ҳосил кўчатлардан олинади.

У ҳар куни ўнлаб километр йўл босди. Кимгадир далда берди, кимгадир дакки. Ҳар куни ниҳолларнинг кўкка бўй чўзиб бораётганини кузатиб борди. Қўлида кетмон билан пайкал оралаб юрган деҳқонларга йўл-йўриқ кўрсатди, мўл ҳосилдан, мўмай даромаддан умидвор қилди.

Натижада галладан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳар гектар майдондан 41,1 центнердан, 826 тонна дон хирмонга тўкилди.

Ана шундай меҳнатлари, одамларга бош бўлиб, улар оиласида қувонч, тўкинчилик яратилганда бош-қош бўлгани учун Мухаббат Ризаева ҳукуматимиз томонидан «Шухрат» медали билан мукофотланди.

Дунёдаги энг улуг незмат - нон, дон етиштириб ҳурмат топган, шухрат топган бу аёлнинг ёнига ўғил-қизлари ҳам қўшилиб, самарали меҳнат қилмоқдалар.

Айни кунларда галла майдонларида қалин униб чиққан бугдой майсалари кўзни қувонтиради. Бу эса ўз навбатида келгуси йил далаларда ҳосил мўл бўлишидан далолат бериб турибди.

ФАОЛИЯТ ОЙНАСИ

Касаба уюшмалари вилоят Кенгашида 3709 та бошланғич касаба уюшма ташкилот бўлиб, аъзолар сони 565729 нафардир. Шунингдек, 11 та вилоят тармоқ касаба уюшма кўмитаси мавжуд.

Аҳолига ижтимоий ёрдам тарихида бандлик жамғармасидан 12,1 миллион сўм, ўқиш ва қайта ўқитишга 5,4 миллион сўм, нафақаларга 4,3 миллион сўм маблағ сарфланди.

Меҳнат-техник нозирлари томонидан 1732 корхона ва хўжалик текширилиб, 1562 та кўрсатма берилди. Текширишлар пайтида меҳнат ҳақидаги қонунлар, атроф-муҳит муҳофазаси меъёрларининг аниқланган 20660 бузилишларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, кўпчилиги амалга оширилди.

Имтиёзли йўлланмалар билан

83 мингдан ортиқ ишчи-хизматчилар санаторий-профилакторийларда даволаниб, дам олдилар. Ходимларни соғломлаштириш жорий йилга келиб 22 фоизга ўсди.

Бандлик дастурига мувофиқ йил давомида 36112 янги иш жойлари яратиш кўзда тутилганди. Ҳақиқатда бу рақам шу кунгача 24234 тага етказилди. Шундан 14165 таси кишлоқларда ташкил этилди.

Таклиф

ЙЎЛЛАНМА НАРХЛАРИ КАМАЙТИРИЛСА

Кишиларнинг дам олиши ва саломатлигини тиклаш, мустақамлашда касаба уюшма фаолларининг ҳам муносиб улуши бор. Улар далалар, фермалар, худлас, одамлар орасида бўлиб, ўз вақтида дам олиш ва даволанишнинг афзалликларини ҳақида тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Йўлланманинг нархи тўғрисида гап кетганда деҳқонлар аҳча уйланиб қолишади. Сабаби баҳор ва ёзда пахтакорлар бўлгуси ҳосил ҳисобидан оладиган аванс пуллари кундалик

рўзгор харажатларидан ортмайди. Йил охири сарҳисобиди эса харажат ва даромад деярли тенглашиб қолган бўлади. Шундай шароитда йўлланма қиймати тўлаш қишлоқ меҳнаткашига оғирлик қилади. Агарда ана шу йўлланмаларнинг нархлари бирмунча камайтирилса, ўз саломатлигини тиклаш харақатида бўлган кишилар ҳам кўнара эди.

Ғофуржон АЛИМОВ,
Бекобод туманидаги «Турон» жамоа хўжалиги касаба уюшма кўмитаси раиси.

Мулоҳаза

САНАТОРИЙ НЕГА ЁПИЛДИ?

Деҳқон табиатининг ҳар бир кундан унумли фойдаланади. Шу боис эрта баҳордан то кеч кузгача ҳосилни йиғиб олиб, ерни шудгор қилиб бўлгунича ором билайди. Унинг бутун фикру хаёли кўпроқ ҳрсил етиштириш ва кўпроқ даромад олишда бўлади. Шунинг учун ҳам кўзлаган ишларини ниҳоят сизга етказиб, кўнгли тинчигандан кейингина у ишлари, дам олиш ҳақида ўйлайди. Агар бу ҳақда сўз очсангиз улар:

— Қани эди, санаторийларга йўлланма берсаларинг, — дейишди. Ҳақиқатдан ҳам илгарилари кишлоғимиздан ҳар йили 30-40 нафар пахтакор, механизатор, чорвадорлар «Фарҳод» ва «Оқўрғон» санаторийлари-

да маза қилиб дам олиб, даволаниб қайтар эдилар. Ҳозир бунинг акси. Чунки ушбу сийхатдоҳлар ёпилиб қолган. Кўпчиликнинг хоҳишига эътибор берилиб, санаторийлар қайта ишга туширилса, айни муддао бўлар эди. Ахир, касаба уюшмалари фаолиятининг бош мақсади ҳам инсон манфаатларини ҳимоя қилиш эмасми? Бизда ҳозир йўлланма сўраб ёзилган 36 та ариза бор. Бундай вазиятда улар талабини қачон қаноатлантирамай?

Тиллабек КОДИРБЕКОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Кўйи Чирчиқ туман кўмитаси раиси.

Фахрийлар эъзозда

БИРОН КИШИ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Ёшлигини қайноқ ҳаёт ичида, жўшқин меҳнат билан ўтказган кишилар вақти келиб қарилик нафақасига чиқадилар. Лекин инсон кўнгли нозик, деганларидек, улар сокин ҳаётдан завқ олишга эндигина мослаша бошлаганларида ишлаган жойларидан вакиллар келиб, бир даста гулни кўлларида тутқазганларида нафақажўрларнинг кўзларида шукроналик ифодасини кўрасиз.

Хотира ва қадрлаш кунда жамоамизда ишлаб кетган 14 нафар уруш қатнашчилари, пенсияонерларнинг уйларига бориб, бир даста гул ва гилам совға қилганимизда «Мени ҳам йўқлаб келадиган кишилар бор экан-ку» деган ифодани ўқиганлигим ёдимдан чикмайди.

Яқинда нафақажўрларимиздан Таисия Залиева ариза билан келди. Унинг илтимоси бўйича дори-дармон олиш учун икки минг сўм пул берилди. Шу баҳона олти нафар бемор нафақажўр аниқланиб, чой, қанд каби озиқ-овқат маҳсулотлари билан уларнинг ҳолидан хабар олди.

Касаба уюшма ташкилотларимиз нафақат нафақажўрларни, балки ҳозир уйда вақтинча бола тарбияси билан шуғулланаётган аёллар хонадонларига бориб, ҳолидан хабар олиш, имкон даражасида кўмак беришни режалаштиришди. Истагимиз - ҳеч ким касаба уюшма эътиборидан четда қолмасин.

Одилжон МАВЛОНОВ,
Ўрта Чирчиқ туман савдо ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси.



29 ноябр - 5 декабр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

14.50 «Маънавият» дастури. 15.40 «Бир қадам...».

8.30 Марказий газеталар шарҳи. 8.45 «Шарҳ тароналари».

17.30 «Хонадон». 17.55 Ватан тимсоллари.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 Янги алфбони ўрганамиз.

18.10 «Истеъдод» Мусиқий дастур. 18.30 «Олам ва одам».

8.30 Марказий газеталар шарҳи. 8.45 «Қалб навалари».

13.45 Автопога бўйича Ўзбекистон чемпионати.

9.40 «Инсон - ҳаёт гултоқи». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

14.10 «Ер ва диёр тароналари». Мусиқий дастур.

8.30 Марказий газеталар шарҳи. 8.45 «Қўлиқ таъбир дугир».

14.50 «Фан тараққиёт негизи». 15.10 «Ўзод юрт одалари».

9.40 «Камолот сари». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

16.00 «Товус малика». Бадий фильм. 17.35 «Жаҳад». Публицистик курсатув.

8.30 Марказий газеталар шарҳи. 8.45 «Қўлиқ таъбир дугир».

16.00 «Товус малика». Бадий фильм. 17.35 «Жаҳад».

9.40 «Камолот сари». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

17.30 Ватан тимсоллари. 17.55 «Жавоҳирлар қазинаси».

8.30 Марказий газеталар шарҳи. 8.45 «Қўлиқ таъбир дугир».

16.00 «Яратганга шукр». Бадий фильм.

9.40 «Камолот сари». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

18.00 «Тилга эътибор». 18.00 «Бешбармоқ».

8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

15.55 Ватан тимсоллари. 16.00 «Ўзгу».

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.00 «Бу Ватан қўшқилари».

17.10 «Бу гулшан соҳи...» Мусиқий-бадий дастур.

ДУШАНБА, 29

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

СЕШАНБА, 30

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

ЧОРШАНБА, 1

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 Болалар учун «Совга».

ПАЙШАНБА, 2

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ЖУМА, 3

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ШАНБА, 4

9.00 «Тонги пойтахт». 9.30 Болалар экранни.

ДУШАНБА, 29

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

СЕШАНБА, 30

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

ЧОРШАНБА, 1

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 Болалар учун «Совга».

ПАЙШАНБА, 2

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ЖУМА, 3

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ШАНБА, 4

9.00 «Тонги пойтахт». 9.30 Болалар экранни.

ДУШАНБА, 29

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

СЕШАНБА, 30

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

ЧОРШАНБА, 1

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 Болалар учун «Совга».

ПАЙШАНБА, 2

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ЖУМА, 3

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ШАНБА, 4

9.00 «Тонги пойтахт». 9.30 Болалар экранни.

ДУШАНБА, 29

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

СЕШАНБА, 30

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

ЧОРШАНБА, 1

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 Болалар учун «Совга».

ПАЙШАНБА, 2

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ЖУМА, 3

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ШАНБА, 4

9.00 «Тонги пойтахт». 9.30 Болалар экранни.

ДУШАНБА, 29

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

СЕШАНБА, 30

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

ЧОРШАНБА, 1

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 Болалар учун «Совга».

ПАЙШАНБА, 2

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ЖУМА, 3

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ШАНБА, 4

9.00 «Тонги пойтахт». 9.30 Болалар экранни.

ДУШАНБА, 29

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

СЕШАНБА, 30

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

ЧОРШАНБА, 1

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 Болалар учун «Совга».

ПАЙШАНБА, 2

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ЖУМА, 3

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ШАНБА, 4

9.00 «Тонги пойтахт». 9.30 Болалар экранни.

ДУШАНБА, 29

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

СЕШАНБА, 30

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студияси

ЧОРШАНБА, 1

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 Болалар учун «Совга».

ПАЙШАНБА, 2

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ЖУМА, 3

17.55 Курсатувлар дастури 18.00 «Ерилотш».

ШАНБА, 4

9.00 «Тонги пойтахт». 9.30 Болалар экранни.

Каратэ

КАТТА СИНОВ ОЛДИДАН

Каратэ бўйича миллий терма жамоамиз олдида иккита масъулиятли мусобака турибди. Улар 28 ноябрда Сингапурда ўтказилган Осиё чемпионати ҳамда декабр ойининг бошида Венгрияда бўладиган ўсириллар ўртасидаги Жаҳон Кубоги бахслари...

— Бўлгуси Осиё чемпионатида 40 га яқин мамлакат спортчилари қатнашмоқда. Бу чемпионат катта ёшлар ўртасида ўтказилади. Лекин терма жамоамиз таркибидан Жасур Жамилов, Рустам Қазақов, Азамат-Али Қустандаров каби етакчи спортчилар билан бирга умидли ёшларимиз ҳам жой олишган...

— Осиё чемпионатида қайси давлат вакиллари терма жамоамиз спортчиларига асосий рақиб ҳисобланади? — Ҳар қандай мусобакада спортчилар фақат талаба учун курашади. Ушбу бөлгашувларда ҳам барча осонликча ён бермаслиги аниқ, лекин улар орасида Япония, Малайзия ҳамда қувайтлик курашчилар кучли рақиб ҳисобланади.

— Шогирдларингиз имкониятини қандай баҳолайсиз? — Мазкур чемпионатда ёшларимизни синаш, уларнинг тажрибаларини ўсиришига имконият яратиб беришни мақсад қилганимиз. Умуман олганда, спортчи «сен бу урини олсан» деган маъжбуриятнинг юклинишини ноҳозир деб биламан. Мақсадимиз натижалар ортдан қуввиш эмас, ҳар бир вақтида ўзини ўқитиб олиш, юртимиз байроғини юқори кўтаришга ҳаракат қилса, кўнглидаги ҳақ иш бўлади.

— Венгрияда бўладиган Жаҳон Кубоги учун бахсларда юртдошларимиз қандай тарқиб билан қатнашмоқчи? — Жаҳон Кубоги бахслари каратэ клубларининг 18 ёшга бўлган ўсириллар ўртасида ўтказилиб, унда Европа ва Америкадаги сингари ўзбекистон терма жамоаси вакилларида ташқари республикамизда мавжуд барча клубларнинг умидли ёшларининг қатнашларига ҳам имкон берилади.

— Каратэ федерациясидан олинган маълумотга кўра, ўзбекистон терма жамоаси 1998 йил Венгрияда болалар ва ўсириллар ўртасида ўтказилган Жаҳон Кубоги бахсида бешта олтин, иккита кумуш, иккита бронза медалларини ҳамда Жаҳон Кубогини қўлга киритган.

— Уқтам ХОЛИҚОВ, «Туркистон-пресс»

Оламнинг етти устун бор, дейишди. Улар фалакни барбод бўлишдан асраб экан. Шу боқий устунларнинг бири меҳр-оқибат бўлса ажаб эмас. Чиндан ҳам меҳр-оқибат йўқ жойда инсоний туйғуллар жаҳолат ботқоғига ботадилар. Шу боисдан ҳам қадим-қадимдан халқимиз ўз фарзандларига меҳр-муҳаббатли, садоқатли, оқибатли бўлинглар, деб ўғит бериб келишган. «Оламнинг кўни одам билан», «Меҳр қолур, муҳаббат қолур», «Вафо қилсанг вафо кўрасан» каби ибратли маколлар меҳр-оқибатнинг нечоғлиқ буюклигини ўзида муҳкам этиб турибди.

Меҳр-оқибатнинг ўзи нима? Унга муайян таъриф бериш мумкинми? Агар мумкин бўлса у қандай шарҳланади? Унинг таърифи нихоятда узун, теран, ниҳоятда таъсирчандир. Қалбнигиздан ҳар кун тараётган яхшилик, эзулик «нури» йиқилганини турғазиб қўйиш, қарияларга жой бериш, бемордан хабар олиш, дарднинг кўнглини олиш, эҳтиёжмандни суяш, муҳтожа муруват қўратиш, ҳамма-ҳаммаси меҳр-оқибат шарофатидандир.

Меҳр-оқибат ҳақида пайгамбаримиз Саллоҳу алайҳи вассаломнинг муборак Ҳадиси шарифларида шундай дейилган: «Кимдаки бировга раҳм ушқат қилмаса унга ҳам ҳеч ким раҳм ушқат қилмайди», «Меҳр-оқибатли бўлинглар, Тангри меҳр-оқибатли бандаларини хўш кўради», «Бадбахт одамда меҳру оқибат бўлмайди».

Буюқ шогирдимиз Алишер Навоийнинг қуйидаги сатрлари ҳам гоий ибратлидир. **Навосоз элинг навобахши бўл, Навоий ёмон эса сен яхши бўл.**

Нега замину замонда умрбоқийликдан, буюқ инсоний ҳислатлардан сабоқ берган ҳазрат Навоий бундай сатрлар битибди экан? Навосоз элинг навобахши бўл, деямак, шундай буюқ халқнинг фарзандисан, унинг наволарини, яъни эзулиги, дивнат, яхшиликни қўриб ўлгайдинг, одам бўлдинг, энди унинг навобахши, содиқ ўғлини бўл, оқибат қил, демокчи. Навоийни ёмон яшабди, десанг сен яхши яша. Навоийдан оқибатлироқ бўлиб, демокчи аллома. Қўриб турибдики, Навоий бобоми элим, халқим менга қўрсатган яхшиликларини қўнглимдагидек қўлиб қайтаролмадим, деган хижолатда бу сатрларни битган. Лекин беш ярим асри, Алишер Навоийнинг нанки ўзбек халқига, балки туркийзабон халқларга қилган меҳр-оқибати меваларидан баҳрамандим.

Меҳр-оқибат ҳақида халқимиз орасида талайгина ривоятлар мавжуд. Мана, улардан бири. Хусайн Бойқоро ва Алишер Навоий ҳазратлари қўнадан ўтиб кетишган экан. Ногаҳон улғу шор тупроқ ўйнаб ўтирган болани қўнғиллашдан отининг жиливини тортибди. Отдан тушиб болага салом бериб, ҳолаҳвол сўрабди.

— Бу нима қилганингиз, — деб уни койибди Хусайн Бойқоро. — Сиз улғу амир бўлсангиз. Бир болага шунча эътибор, иззат лозимиди?

— Он ҳазрат, гоий ҳақ сўзладилар, — дебди Навоий. — Лекин бу бола устоз ҳазрат Жомийнинг набиралари бўлади.

Шунда Хусайн Бойқоро шогирдининг устозига бўлган тоғдек меҳридан қўзғирага ёш олган

экан. Меҳр қозонишнинг ўзи бўлмайди. Донишманд Борбад «Бир дўстимнинг меҳри қозонишга бир умрим етмади», деганида шунга назарда тутган бўлса керак. У — оиланинг қувват ва жони, аҳулилик меваси, садоқат ва оқибат сарчашмасидир. Бир оилани биланман. Оила бошлиғи узок йиллар трамвай ҳайдовчиси бўлиб ишлаган. Оила бекаси эса оддий ҳамшира эди. Эру хотин олтимши йиллик турмушлари мобайнида бир-бирларига тик қарашмаган. «Меҳр билан ўтказилган кўчат албатта кўкаради», деганларидек оиланинг тўққиз фарзанди ҳам бир-бирига ва ота-онасига меҳрини бўлиб камол топди. Бугунги кунда улар маҳаллада ардоқли, эътиборли. Яқинда шу оиланинг кенжаси тўй қилди. Мўъжазгина, ихчамгина, шодийна тadbир меҳр-оқибат танта-насига айланган кетди. Маҳалла ахли бу хондонга қалб амри билан интидилар, ота-онасини хотирладилар, яхши сўзлари, амаллари билан тўйга фойз киритдилар. Чунки тўй соҳибини ҳам маҳалланинг барча тўй — маъракаларида хозир нозир эди.

Юқоридагидан келиб чиқадиган хулоса шунки, чин инсон бўламан деган одам элига деб яшади, бундай кишиларнинг юрғи эса меҳр бўлгога айланади.

Энг аjoyиб озулар, истак-армонлар наво бағида албатта ёруғ туйғуллар уйғонади. Дарё сувлари тоғ ирмоқларидан бошлангандек, меҳр ҳам дастлаб оиладан бошланади. Зеро, оила ҳар бир хислат ва фазилатнинг қуртак оцадиган маскандир. Бу маскандан унинг-ўсган ниҳоллар меҳрга-муҳаббатга тўлиб ўлгайиши табиий. Лекин оиладан оиланинг фарқи бор. Ўз фарзанди келажига бефарқ қарайдиган, ундан меҳр-муруватини дариг тутадиган ота ёки она албатта меҳнатлари эвазига оқибатсизлик, бевафолик сингари ҳосил кўтардилар. Ушбу фикрнинг тасдиғи учун бир ривоятни мисолга келтириб ўтиш ўринлидир.

Бир чолнинг яқини ёлғиз ўғли бўлиб, улар топганларини ўртага қўйиб, бир товоқдан таом ейтиш экан. Вақт-соати етиб, улғайган ўғил ўғил кизга ўйнади. Лекин чолнинг овқат бўлиши, чой ичиши, хуллас, ўзини ўзи урда-дай олмаслиғи келинга ёқмабди. Охири бозордан ёғочдан ясалган идиш-товоқлар харид қилиб, қарияни алоҳида жойга ётқизиб қўйибдилар. Чол бундан ниҳоятда ранжибди, аммо начора. Ойлар ўтиб, ўғил фарзандли бўлибди. Ёш ота-она бола билан бўлиб, чолни эсдан ҳам чиқариб қўйибдилар. Ўғил беш ёшда бувасининг атрофида парвона бўла бошлабди. Бир кун ота уйга келса боласи пичоқ билан катта ўғлини ўйиб ўтирганими. «Нима қилаясан, ўғлим» деб сўрабди ундан. Коса ясамаман, дебди болақай. Ёғоч косани нима қилсан, хайрон бўлиб сўрабди ораси. Қарияларнинг сизларга овқат бера-

тимикин. Марҳумларни тиригида йўқлаш, ҳолаҳвол сўраш, зарур бўлса кўмак беришни ўнунги қўймаётганимизми? Демак, оқибатни ҳам бир ёқлама тушунадиган эканмиз-да? Ҳадисларда шундай дейилган: «Икки ёнингиди, рўпаранди қўнлиларнинг ҳаққини адо этиб рози қилинлар». Қадимдан қўнли қўнлилар бир-бирининг ҳолидан хабар олган, тансиқроқ таом пиширилса бир-бирларига иланишган, хуллас, яхши-ёмон кунда бир-бирининг кўнига яраган. Шунинг учун ҳам халқимиз «Қиёмат кун қўнидан», деб бажизга айтмайди. Ҳозирги кунда юқоридаги удуларимиз ҳам ўзларини тўла намоён этломаётганига нима дейсиз? Баъзилар «Ҳозир аввалги замон эмас» дейишади. Йўқ, замон эмас, одамлар, яъни ўзимиз, феъл-атворимиз ўзгарган. Баззан ҳамма нарсани инсоф тарозисидан тортишни унутиб қўямиз.

Ҳар бир миллатнинг ўзлиги мавжуд. Бусиз ҳеч қачон миллат миллат бўлолмайди. Ўзбек деган халқнинг тағлилий иймон-этиқоид, садоқат, меҳр-оқибат билан қарилган. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг: «Савоб ишми ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак», деган сўзлари ҳар биримизнинг шогирдимизга, яхш тарзимизга айланган лозим.

Бизнингча, ҳаёт мазмуни — одамлар қорига ярашда, бир-бирига зарур бўлиш ва ҳаётда ўзидан яхши ном қолдиришда. Меҳр-муруват, садоқат ва оқибат ана шундай буюқ хислатларнинг досяидир.

Меҳрсизлик — бахтсизликдир. Меҳрсиз одамлар ҳеч қачон меҳр-оқибат кўрмайдилар. Чунки «Ёмон сўзинг шомоли меҳр меваларини тўқиди» дейишади.

Азалий «Наврўз», «Меҳржон» байрамларида, Рамазон ва Қурбон хайитларида халқимиз ҳаммиса ўзининг меҳр-муруватини кўрсатиб келган. Шундай кунлар қариялар зиёрат қилинган, ночор оилаларга муруват қўрсатилган, етимларнинг бошлари силанган. Тарихнинг гувоҳлик беришича, Хожя Убайдуллоҳ Аҳор Валий ҳазратлари уч ой қиш давомида қўш-қўш қозонлар қуриб, айти Тошкентта емак тарқатган эканлар. Ул элнинг элга, одамларга меҳру муҳаббати, мурувати туйғайли барча соғ-саломат баҳорга етиб олган экан. Халқ ўзининг саҳий фарзандини хали ҳам қалбидан ардоқлаб келди, номини улғайди. Биз ана шундай улғу, баркамол халқнинг авлодларимиз. Меҳру оқибат бизнинг қон-қонимизга сингир кетган.

Меҳр — оқибат илдиэлари жуда чуқур. Шу боис унинг умри боқийдир.

Уйлайманки, ҳадемай бўладиган сайловларда ҳам сайловчиларимиз кўпчиликка меҳр улашадиган, одамлар ўртасида оқибат ришталарини мустаҳкамлайдиган, инсон манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйдиган ва айни замонда кишилар дардида малҳам топа оладиган энг муносиб номзодларни депутатликка сайлайдилар. Бунга шақ-шубҳа йўқ.

Исмоил САЙФАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор.

МЕҲР-ОҚИБАТ - ЧАРАҚЛАГАН ОҒТОБ

моён бўлган халқ эртақларини бир эсланг. Масалан «Олтин тарвуз» эртағида камбағал деҳқон оёғи синган лайлакни ўз қулбасида меҳр билан парварिश қилиб, соғайган учириб оборади. Лайлак ўз меҳрини дариг тутмайди, қашшоқ бўлса ҳам лекин қалби манван бой деҳқонга оқибат кўрсатиб, баҳорда унинг ерига бир донга тарвуз ургини ташлаб кетади. Қузда маълум бўладики, тарвуз сеҳри экан. Уни сўйсалар м'чидан беҳисоб тиллалар чиқади. Ичи ҳасаддан қуяган қўшни бой пайт пойлаб лайлакнинг оёғини таёк билан уриб синдиради. Кейин парварिशлаб соғайтиради. Лайлак унга ҳам тарвуз ургини ташлаб кетади. Бой қилмишига яраша жузо олади. Тарвузининг ичидан олтин эмас, арилар чиқиб уни ўласи қилиб чиқади.

Меҳр-оқибат ҳақида қуйилган қўшиқлар, ёзилган асарлар ниҳоятда кўп. Меҳр, вафо, садоқат ва оқибат одамларнинг асрий орзуси бўлиб келганлиги ҳам беҳиз эмас. «Совуқ уйни ҳам меҳр иситади», «Яхши одам қалбларга меҳр улашувчидир», «Меҳр бор жойда қулба - қошона, меҳрсизликдан қошона вайрона» деган доно нақлларнинг мағзини чақдан кишининг

ман, дебди илжайиб бола. Шунда ўғил ўзининг қанчалар янглишганини сезиб, пешонасига бир урибди. Ва отасини уйининг тўрига олиб келиб, энг асл идиш-товоқларда, энг анвойи таомлар билан парварिश қила бошлабди...

Қўриб турибдики, ҳар ким эканини ўради. Ҳеч қачон арпа ўрнига бугдой унмаган. Бундан ўн-ўн беш йиллар олдинги вазиати эслаймиз. Отаси бандликни бажо келтирса, фарзанд ўз бурчини бажариб, бел боғлаб, падарибузрукдорларини охири йўлга қузатиб қўймасди. Жанозаларга партбилети бор одамлар иштирок этолмасди.

Бугун мана шу оддий, лекин мислсиз буюқ оқибатнинг белгиси бўлган удуимизга тўлиқ амал қилаймиз. Истиклол шабадалари, таъбир жоиз бўлса, юрагимизда қул босиб ётган чўларни яна алангалати. Асрий қадриятларимиз, расми-русумларимиз, йўқ бўлаётган урф-одатларимиз яна қаддини дадил ростлай бошлади.

Лекин афсусланадиган бир жиҳат бор. Меҳр-оқибатлигимиз фақат маъракаларда ҳамдард бўлиш билан чегараланиб қолмаётган

Иккинчи учрашув ҳам 6:0

XXI Осиё чемпионати саралаш туринининг 3-группида қатнашаётган миллий терма жамоамиз навбатдаги учрашувда ҳам зафар қўчди. ФИФА рейтингиди энг сўнгги погоналардан бирини эгаллаб турган Шри-Ланка терма жамоасига қарши ўтказилган бу учрашувда ҳам вакилларимиз худди илк ўйиндаги каби рақибларни дарвозасига жавобсиз 6 тўп ўйладилар. Учрашувнинг 3-дақиқасидаёқ «Самарқанд» вакили Ж.Ирисметов ҳисобни очди. 21-дақиқада у яна бир тўп киритиб, «дубль»га эришган бўлса, 28-дақиқада Ф.Давлетов рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди: 3:0. 39- ва 55-дақиқаларда «Пахтакор»чи Н.Ширшов икки тўп муаллифга айлашди. 71-дақиқада Р.Бозоров томонидан киритилган тўп эса учрашув тақдирига нуқта қўйди.

Шу кунги ўтказилган БАА ҳамда Бангладеш терма жамоалари ўртасидаги учрашувда 3:0 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди.

Футбол «НАВБАҲОР» КЕЙИГИ БОСҚИЧГА ЧИҚАДИМИ?

Ўтган йилги биллур соврин соҳиб Наманганнинг «Навбахор» жамоаси Осиё кубок эгалари кубоги бахсларида Қозоғистоннинг «Қайсар» жамоаси билан учрашди. Ҳамюртларимиз ўз сафларидан бир қатор тажрибали ўйинчилар (С.Турсунов, Ш.Раҳмонқулов, Л.Қошелев) йўқлиғига қарамасдан ҳужумкор руҳда ўйин кўрсатиб, меҳмонда муҳим дурангни қўлга киритдилар. «Навбахор»дан Х.Қадимов (39-дақиқа) ва

«АКАДЕМИЯ» ВА «ОЛТИН БОШОҚ» - 1-ЛИГАДА!

Ниҳоят, биринчи лигага ўтиш турнири бахслари билан бу йилги футбол мавсуми поёнига етди. Тошкент шаҳрида, ИИВ Академияси ўйингоҳида бўлиб ўтган турнирда биринчи босқичда муваффақиятли иштирок этган 4 жамоа ўзаро беллашди. Барча ўйинларни кўтаринки руҳда ўтказган май-

Билиб қўйган яхши ШАМОЛАБ ҚОЛСАНГИЗ...

Агар бурнингиздан сув оқиб қолса, аввал қўлингизни (тирсангизга)ча, сув оёбингизни иссиқ сувда ванна қилинг. Гриппга йўлиққан бўлсангиз, унга қарши доирлар ичишга шошилманг. Бир донга пиёзни қирғичдан ўтказиб, икки қошиқ асалга аралаштирилади, ҳар икки соатда бир ош қошиқдан ичиб туринг. Чунки пиёз таркибиди худди антибиотик каби таъсир кўрсатадиган моддалар бор. Мойчечак (ромашка)ли буғ бурун шиллиқ пардаларининг шамоллаши касалига энг яхши даво ҳисобланади. Ангинага қарши творогдан компресс тайёрлаш мумкин. Совуқ творог тўмоғга қалин суртилди ва томоққа боланади. Йўталга қуйдагича даво қилиш мумкин: турпни қирғичдан ўтказиб, суви сиқиб олинди ва асал билан аралаштирилади, ҳосил бўлган суяқлини ҳар ярим соатда уч ош қошиқдан ичиб турилади.

Гаройиб олам ЧЕМПИОНЛАРГА ҚОЙИЛ-Е !!!

Эндрo Санмирoс исмли бир канадалик олим иш жойидаги тартибсизлик бўйича конкурsда биринчи ўринни эгаллаб, чемпион бўлди. Эдмантон университетининг 47 ёшли профессори ушбу биринчилик учун керакли қозғон ишхонасида роса уч кун қидириб, кейин уни топиб берди. Олим мукотфота 20 минг доллар ва компьютерга эга бўлди. Тўғри-да, унинг ишини ҳам энгиллатиш зарур. Бунинг устига ҳар хил қозғонлар ҳам қамаяди.

Лекин, буниси ҳолва экан. Лос-Анжелесда суғурта агентлигида ишловчи ходим Клоуи Миллер худди шундай қозғон роса 5 кун қидирса-да? У ҳам 20 минг доллар ва компьютерга эга бўлди. Хулоса қилиб айтганда тартибсизлик ҳам яхшигина даромад келтириши мумкин экан.

«ТОВОҚСОЙ» ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ижтимоий таъминот вазирлигининг бевосита кўмағи билан иккита бино таъмирланаёпти. Келаси йили фойдаланишга топшириладиган янги ошхона мажмуи қурилиши ҳам жадал сурьталарда давом этмоқда. Ҳозирги кунда аллгерик касаликлар қўллаб учрамоқда, «дейди биз билан сўхтабди сихатгоҳнинг бош шифокор муровини Тўхтамурод Мирзазахимов. — Шунинг учун ҳам Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ижтимоий таъминот вазирлиги тавсияларига кўра, касалликнинг олдини олиш мақсадида доривор ги-

«ТОВАҚСОЙ» ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

ёҳлардан кенг фойдаланилмоқда. Бу маскандан дам олган одамга, назаримизда, доридармоннинг керағи йўқдек. Чунки саҳий табиатнинг ўзи бор бойлигини пойнингизга сочиб қўйган. Фақат ундан оқилона фойдаланса, бас. Зотан, бу ердаги ҳавонинг ўзиёқ ҳар қандай дори-дармондан афзал. Дам олувчиларнинг 60 фоиздан ортиғи юрак, 30 фоизи асаб касалликларидан азият чекаганини инобатга оладиган бўлсақ, табиатнинг бу инъомини не чоғлик беқийс аҳамиятга эга эканини ҳис қилиш унчалик қийин эмас. Маз-

«ТОВАҚСОЙ» ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

кур санаторийда жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 3 мингдан ортиқ кесаларимиз даволаниб, ўз соғлиқларини тиклаб олишди. Санаторийда спорт ва маданият, маънавият масалаларига ҳам алоҳида эътибор қилинади. Қизилқорни учрашувлар, машҳур санъаткорлар, сўз усталари ва адиблар иштирокида ўтадиган адабий-бадий кечалар ҳам қарияларимиз кўнглини шод қилиши шубҳасиздир. Сихатгоҳнинг 12 гектарлик майдон бағридаги 3 минг тундик ортиқ дарахтга эга бўлган боғига боқиб туриб хаёлимиздан шундай фикрлар ўтди: кесаларини эъзозлаган халқ энг буюқ халқдир, қариялар ардоғи орқали ёш дилларга йўл олган давлат энг узокни қўзлаган давлатдир. Бундай халқнинг боши эзгуликлардан чиқмаслиғига, бундай давлатнинг келажига буюқ бўлишига ишончимиз комил.

Темир ҚУРБОН, Акбар АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбирлари. Суратларда: санаторий ҳайвонат лавҳалари. И.ХАСАНОВ олган суратлар.

Зиёб ака Ғиёсов билан бўлган суҳбатимиздан маълум бўлишича, санаторийдаги мавжуд 21 кабинет 30 дан ортиқ замонавий тиббий усуллар билан жиҳозланган. Ҳар бир одамга кунми 80 сўмлик дори-дармон берилади. 24 кун давомида дам олувчилар асосан гўнхлар билан даволанади. Бундан ташқари, уқалаш, ванна, электрофарез, дарселевал, ультраушулар билан даволаш каби 23 хилдаги физioterapeвтик муолажа усуллари ҳам мавжуд бўлиб, улар қарияларнинг ўз соғлиқларини тиклашларида муҳим омили сифатида хизмат қилмоқда.

Исроил-Ўзбекистон стоматологлари ҳамкорликда яратган стоматологик аппаратлар, ортопедик жиҳозлар, клиник ва биохимик лабораториялар ҳам кесаларимизнинг умрларига умр қўлиши мақсадида мунтазам ишлаб турибди.

Нафламбрини айтганда, бир йилгит камолга етгудек ёшни яшаб қўйган санаторий анча таъмирталаб бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам

ЗЪЛОН «Туркистон - пресс» НАА ЁАЖ Низом жамгармасининг қамайтирилгани маълум эстади ва Низом жамгармаси микдорини 6031 минг сўм қилиб белгилайди.

Тошкент вилоят касабашушмалари Кенгаши Кенгаш ходими Мавжуда Мирсобитовага қизи МУҲАББАТнинг бевақт вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сирдарё вилоят касабашушмалари Кенгаши Ўзбекистон маданият ходимлари касабашушмаси марказий қўмитаси раиси Малика Жалиловага синглиси МАРҒУБАнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», А.Алламурадov (масъул котиб - «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибиёт 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Мислимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли терлини ва саҳифаларни. Офсет усулида босялди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма тибқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширишда 23.50. Буюртма Г— 0919. 1 2 3 4 5 6